

**САЙЛОВ ТИЗИМИ****Рахмонова Рухшона Нурбек қизи**

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд

Давлат Университети юридик факультети 1-босқич талаба

[ruxshonarxmnv@gmail.com](mailto:ruxshonarxmnv@gmail.com)

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада бугунги кунда сайлов тизимининг долзарблиги, унинг демократик жамиятдаги ўрни ва ривожланиш йўналишлари таҳлил қилинади. Сайлов тизими фуқароларнинг сиёсий жараёндаги иштироқини таъминловчи асосий институтлардан бири бўлиб, унинг шаффофлиги ва адолатли жамият барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Мақолада сайлов тизимининг турлари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари, шунингдек, замонавий технологиялар ва халқаро тажриба асосида уни такомиллаштириш имкониятлари ёритилган. Сайлов жараёнининг ошкоралиги ва фуқароларнинг фаоллиги демократик бошқарувнинг муҳим шарти эканлиги асосланади. Шунингдек, соҳада олиб борилаётган туб ислохотлар ҳамда сайлов тизими турлари: мажоритар ва пропорционал сайлов турлари, уларнинг моҳияти ва мазмуни ёритиб борилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** сайлов тизими, мажоритар, пропорционал, Конституция, сайлов кодекси, демократия.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье анализируется актуальность избирательной системы на сегодняшний день, ее роль в демократическом обществе и направления развития. Избирательная система является одним из основных институтов, обеспечивающих участие граждан в политическом процессе, а ее прозрачность оказывает непосредственное влияние на устойчивость справедливого общества. В статье рассматриваются виды избирательных систем, их преимущества и недостатки, а также возможности их совершенствования на основе современных технологий и международного опыта. Обосновывается, что

прозрачность избирательного процесса и активность граждан являются важным условием демократического управления. Также освещаются проводимые глубокие реформы в данной сфере, а также виды избирательных систем – мажоритарная и пропорциональная, их сущность и содержание.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** избирательная система, мажоритарная, пропорциональная, Конституция, Избирательный кодекс, демократия.

**ANNOTATION:** This article analyzes the relevance of the electoral system today, its role in a democratic society, and its development directions. The electoral system is one of the key institutions ensuring citizens' participation in the political process, and its transparency directly impacts the stability of a just society. The article explores the types of electoral systems, their advantages and disadvantages, as well as opportunities for improvement based on modern technologies and international experience. It is substantiated that the transparency of the electoral process and the active participation of citizens are essential conditions for democratic governance. Additionally, the article highlights ongoing fundamental reforms in this field and examines the types of electoral systems, including majoritarian and proportional elections, their essence, and significance.

**KEYWORDS:** electoral system, majoritarian, proportional, Constitution, electoral code, democracy.

Янги Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ соҳасида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар доирасини сайлов тизими четлаб ўтгани йўқ. Бевосита демократиянинг асоси бўлган сайлов тизими мажоритар ва пропорционал сайлов тизимига бўлинади. Сайлов тизими – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентии сайлаш тартиби ҳисобланади.

Мажоритар сўзи француз тилидан олинган бўлиб, "кўпчилик" деган маънони англатади. Мажоритар сайлов тизимида сайловчиларнинг қонун билан

белгиланган кўпчилик овозини олган номзод айнан шу сайлов округи бўйича сайланган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими мамлакатда шаклланган анъаналар ва сиёсий тизим ривожига даражаси инобатга олинган ҳолда шакллантирилган. 2023 йил 18 декабрда қабул қилинган қонун билан сайлов кодексига ўзгартириш киритилиб, Қонунчилик палатаси сайловларини аралаш (мажоритар ва пропорционал) тизим асосида ўтказиш тартиби жорий этилган. Унга кўра, Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари эса пропорционал сайлов тизими асосида – яъни сиёсий партияларга берилган овозлар бўйича ягона сайлов округидан сайланиши белгиланган.

Сайлов кодексининг 9-моддасида Президент сайловида бутун мамлакат сайлов округи ҳисобланиши, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлари сайловлари учун эса бир мандатли сайлов округлари тузилиши кўрсатилган. 2024 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқида давлат раҳбари депутат деган шарафли номга сазовор бўлганларни табриклаб, бу юксак ишонч уларнинг бой илми ва ҳаётий тажрибаси, эл-юрт фаровонлиги йўлида қилган фидойи меҳнатига нисбатан халқимизнинг улкан ҳурмати ва эҳтиромини ифодаси эканини таъкидлади.

Мажоритар сайлов тизими демократик давлат қуришда анча самаралидир. Мажоритар сайлов тизимининг асосий хусусиятлари: Сайлов ҳудудлари бир мандатли бўлади. Сайловчилар асосан номзодга овоз берадилар, партияга эмас (пропорционал сайлов тизими бундан мустасно). Ҳукумат барқарор бўлишига ёрдам беради, чунки йирик партиялар фойдасига ишлайди. Кичик партиялар ва мустақил номзодлар учун ҳам имконият яратади. Бу тизим Буюк Британия, АҚШ, Канада каби давлатларда кенг қўлланилади. Мажоритар сайлов тизимининг бир қанча афзалликлари ва камчиликлари мавжуд:

Афзалликлари: Оддийлик – сайлов жараёнлари ва овозларни ҳисоблаш содда. Барқарорлик – йирик партияларнинг ғалаба қозониш эҳтимоли юқори бўлганлиги учун ҳукумат барқарор бўлади.

Камчиликлари: Кичик партиялар учун чекловлар ва мустақил номзодлар учун партияга кириш қийинлашади. Овозларнинг йўқолиши – кам овоз олган номзодларга берилган овозлар ҳисобга олинмайди, бу эса сайловчиларнинг бир қисмининг фикри инобатга олинмаслигини англатади.

Пропорционал сайлов тизими мажоритар сайлов тизимидан анча фарқ қилади. Пропорционал, яъни мутаносиблик сайлов тизимида сайловчилар томонидан партия учун берилган овозлар ва партия томонидан олинган депутат ваколатларининг қонунийлигини гувоҳлантирувчи ҳужжатлар ўртасига пропорционал принцип қўйилган. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясининг 5-бўлими, 23-боби, 128-129-моддалари сайлов тизимига бағишланган. Янги таҳрирдаги Конституция билан эски таҳрирдаги Конституцияда сайлов тизими бўйича бир қанча ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 128-моддасида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай вазиятда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқининг бевосита ҳамда билвосита чекланишига йўл қўйилмайди.

Ҳар бир сайловчи бир овоз бериш ҳуқуқига эга. Овоз бериш ҳуқуқи хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Сайлов тизимининг бир қанча тамойиллари мавжуд, яъни булар: ялпи умумийлик, тенглик, ошкоралик ҳамда яширинлик. Тенглик принципи бир сайловчи бир овозга эга эканлигини кафолатлайди. Умумийлик принципи ҳам сайловчилар, ҳам номзодлар учун рўйхатдан ўтиш очиқлигини таъминлайди.

Очиқлик принципи овозларни адолатли ҳисоблашда муҳим роль ўйнайди ва яширинлик принципи четдан қандайдир назорат бўлмаслигини кафолатлайди. Сайлов тизимида 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Сайлов кодекси муҳим роль ўйнайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда сайлов тизими анча ривожланди ва такомиллаштирилди. Сайлов тизимида мажоритар сайлов тури қўллашда анча оддий ва демократияни такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди, қолаверса, сайлов тизимида етакчилик қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 30 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, 2019 йил 25 июнь.

#### Фойдаланилган сайтлар:

1. Lex.uz
2. Википедия